№ 6 (2575) - son

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

2009-yil

P J Sh Ya D S Ch P J Sh Ya D S Ch P J Sh Ya D S Ch P J Sh Ya D S Ch P J Sh
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31

Yanvar

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta ✻ E-mail: ishonch-doverie@mail.ru ✻ Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаати

Қадрли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Авваламбор, мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни, Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 17 йиллиги билан сизларни, барча юртдошларимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қуролярог ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш бўйича кўлами ва моҳиятига кўра ҳақиқатан ҳам улкан ишлар тизимли равишда ва босқичма-босқич амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Армияни ислоҳ қилишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурига мувофиқ, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ташқи ва ички таҳдид ва хатарларни чуқур ўрганиш асосида Қуролли Кучларни қуриш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. Ҳарбий округлар, чегара ҳудудларининг тузилиши, ҳарбий операциялар олиб бориладиган энг муҳим йўналишларда жанговар қўшин гуруҳларининг ташкил этилиши, ўз таркибида энг муҳим ҳарбий тузилмаларни бирлаштирган Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг шакллантирилиши мамлакатимизда ягона мақсад ва вазифалар негизида узвий боғланган ишончли мудофаа тизимини яратиш имконини берди.

Қуролли Кучларимиз сафини тўлдириш тартиби изчил ва босқичма-босқич такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилди, шартнома асосида хизмат қилишга ўтиш деярли якунланди, жорий йилдан бошлаб муддатли ҳарбий хизматга чақирув бир йилда бир марта амалга ошириладиган бўлди. Бундай чора-тадбирларнинг барчаси Қуролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятларини сезиларли даражада ошириб, бутун армиямизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирди. Энг муҳими, аҳолимиз, биринчи навбатда ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди, армияда хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланди.

Шу йиллар мобайнида сержант ва офицер кадрларни профессионал асосда тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди. Бугунги кунда сержантларнинг қарийб учдан икки қисми замонавий ўқув базасига эга бўлган, салоҳияти тобора ортиб бораётган сержантлар тайёрлаш мактабларида таълим олганини қайд этиш лозим. Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган сержантларимиз шахсий таркибнинг юксак жанговар ва сиёсий тайёргарлигини таъминлаш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни, ҳарбий тартиб-интизомни сақлашнинг чиндан ҳам муҳим омилига, мухтасар айтганда, армиямизнинг асосий ўзагига айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, армияни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, биргина 2008 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчиларнинг иш ҳақи ўртача 51 фоизга оширилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун ишга жойлашиш ва олий ўқув юртларига ўқишга кириш бўйича қатор имтиёзлар тизими белгиланди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида армия сафларида мардлик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришган 22 минг нафардан зиёд ёшларимиз таълим олмоқда.

Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, миллий мудофаани барпо этиш соҳасидаги чуқур тизимли ўзгаришлар натижасида армиямизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик даражаси ва қудрати сезиларли равишда ошди, жамиятимизда, давлатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи, Қуролли Кучларнинг ўрни ва аҳамияти янада янги босқичга кўтарилди, деб таъкидлаш учун бугун барча асосларимиз бор.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, ёшларни миллий ғоя ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»

Губанов Виктор Михайлович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Аҳмедов Бахтиёр Қосимович — Ўзбекистон Республикаси Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бригадаси командири

Ҳайдаров Аброр — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти ўқув бўлимининг бошлиғи

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Алламуродов Сайфидин Бердишович — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Андижон вилояти божхона бошқармаси бошлиғи

Жўрабеков Умарбек Сотиволдиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти кафедрасининг бошлиғи

Саримсоқов Маҳмуджон Тўхтасинович — Чирчиқ олий танкчи қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

Юркевский Константин Эдуардович — Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Атаханов Шухрат Матякубович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

(Давоми 2-3-бетларда)

Пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида 14 январ — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаати

(Боши 1-бетда)

Ҳарбий қурилиш соҳасида жаҳондаги энг замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этган ва айни вақтда миллий анъаналарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган армиямиз она Ватан хавфсизлиги, халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишта ҳаётини, мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил тараққий этишини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди.

Азиз юртдошларим!

Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазият Афғонистонда 30 йилдан буён давом этиб келаётган уруш, террорчилик ва экстремистик ҳаракатларнинг сўнгги пайтда фаоллашгани, наркоагрессиянинг кўлами тобора кенгайиб бораётгани сабабли ҳамон кескинлигича қолаётгани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас.

Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган маҳаллий урушлар, ҳарбий қарама-қаршилик ва можаролар, террорчилик хуружлари халқаро хавфсизликка таҳдид солмоқда.

Буларнинг барчаси ва биринчи навбатда мамлакатни модернизация қилиш, демократик янгилаш бўйича биз танлаган стратегия армиямизни ислоҳ қилишни изчил давом эттириш, уни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга эътиборни янада кучайтиришни тақозо этади.

Шу борада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш энг муҳим аҳамият касб этади:

Биринчидан. Мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган реал таҳдидлар, юзага келиш эҳтимоли бўлган ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусиятларини чуқур баҳолаш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг ҳарбий қурилиш борасидаги тажрибасини ўрганиш асосида армиямизнинг қурилиши ва жанговар таркибини, қўшинларнинг бошқарув тизимини янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур.

Ҳозирги пайтдаги урушлар ва ҳарбий можаролар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Қуролли Кучлар аввало тез ва шиддатли тарзда кечадиган маҳаллий жанговар операцияларни амалга оширишга қодир бўлиши, мамлакат иқтисодиётига, муҳим ҳаётий таъминот объектлари ва коммуникацияларга, бегуноҳ одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига жиддий зарар етказишга қаратилган қуролли ҳаракатларни содир этишда ҳар қандай бешафқат усул ва шаклларни ишга солишдан қайтмайдиган, яхши қуролланган ноқонуний жангари тўдалар ва қўпорувчи-террорчи гуруҳларга қарши самарали курашишга тайёр туриши даркор.

Шу муносабат билан Бирлашган штаб, ҳарбий округлар қўмондонлигининг энг муҳим вазифаси жанговар бўлинмаларнинг сафарбарлик ва ҳаракатчанлик, ўзини ўзи бошқариш даражасини ошириш, уларнинг мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ва хатарларга қарши тезкор ҳамда самарали жавоб бериш қобилиятини янада кучайтиришдан иборат бўлмоғи лозим. Армиямизда махсус ташкил этилган янги турдаги ҳаракатчан бирлашма ва қисмлар – Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси, разведка-қидирув взводлари, шунингдек, принципиал жиҳатдан мутлақо янги бўлинмалар – вертолётҳужум взводларининг тезкорлик ва жанговар имкониятларини кенгайтириш ва кучайтириш, уларнинг юқори даражадаги тайёргарлигини таъминлаш, энг замонавий қурол-яроғ ва махсус воситаларга эга бўлишига эришиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қуролли Кучлар ва қўшин турлари штаблари ўз саъй-ҳаракатларини турли бузғунчи кучлар, қўпорувчи-террорчи гуруҳлар жиноий ҳаракатларни содир этишда фойдаланиши мумкин бўлган мамлакат мудофааси, давлат чегараларини муҳофаза қилиш тизимидаги заиф бўғинларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда зарур чораларни кўриш бўйича яқин ҳамкорликни таъминлашга қаратиши даркор.

Иккинчидан. Бирлашма ва қисмларнинг ташкилий-штат тузилмасини янада такомиллаштириш, фронт орти ва техник таъминот бўлинмаларидаги бир-бирини такрорлайдиган, самарасиз тузилма ҳамда офицерлик лавозимларини қисқартириш ва ихчамлаштириш, бирлашма ва қисмлардаги гуруҳ командирлари лавозимларини сержантлар таркиби ҳисобидан тўлдириш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Буларнинг барчаси, биринчи навбатда армиямизнинг бошланғич бўғинида ташкилий тузилмани тубдан яхшилаш, шахсий таркиб жанговар тайёргарлигининг сифат даражасини ошириш, бўлинмаларнинг кундалик фаолиятини ташкил этишда сержантларнинг ролини кучайтириш, шунингдек, кичик офицерлар таркибининг хизмат фаолиятини, бирлашма ва қисмларни бошқариш тизими самарадорлигини юксалтиришга ёрдам бериши керак.

Учинчидан. Армиямизни замонавий турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қуроллантириш ўта муҳим вазифа бўлиб, айнан шунинг ҳисобидан армиямизнинг тезкорлиги ва ҳаракатчанлиги, зарур жанговар қудратини таъминлаш мумкин.

Аввало, армиямизни замонавий жанговар ҳарбий техникалар, разведка ва кузатувнинг электрон тизимлари, нишонни юксак даражада аниқ урадиган тезкор қуроллар, самарали алоқа воситалари, шунингдек, якка тартибда ва гуруҳларда қўлланадиган ишончли ҳимоя воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Тўртинчидан. Олий ҳарбий таълим муассасаларининг интеллектуал савияси юксак, дунёқараши кенг, узоқни кўра оладиган офицер кадрларни тайёрлаш борасидаги фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Ҳарбий билим юртлари қурол-яроғ ва техниканинг замонавий тизимлари ҳамда қўшинларни бошқариш ва жанговар операциялар олиб боришнинг самарали усулларини ўзлаштириш ва синовдан ўтказиш бўйича амалда Қуролли Кучларнинг етакчи ҳарбий-илмий марказларига айланиши даркор. Бунинг учун улар жанговар шароитларга имкон қадар тўла яқинлаштирилган вазиятни моделлаштиришга қодир бўлган энг замонавий тренажёрлар билан жиҳозланиши, ўқув жараёнида моделлаштириш ва симуляция усулларидан кенг фойдаланиши даркор. Шу муносабат билан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик билим юртида қисқа вақт ичида Қуролли Кучларнинг Махсус моделлаштириш ва симуляция маркази ўқув бўлинмаларини ташкил этиш лозим. Уларнинг зиммасига марказий бўлинмаларнинг моделлаштириш ва симуляция усулларини, шунингдек, армиямизнинг офицер кадрлари ҳамда сержантлари таркибини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёни учун ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаларини юклаш зарур.

Бешинчидан. Муддатли ҳарбий хизматга бир йилда бир марта чақириш тизимига ўтиш, ёшларнинг ҳарбий чақириқдан олдинги тайёргарлик даражасига талабларнинг ортиши, шу билан бирга, армияда шартнома асосида хизмат қилишнинг кенгайиши мудофаа ишлари бўйича бўлинмалар ва бошқармалар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этади. Қуролли Кучларнинг кадрлар таркиби ва сафарбарликка тайёргарлик даражасини яхшилаш борасидаги барча ишларимизнинг самарасини кўп жиҳатдан белгилаб берадиган ушбу бўлинмаларда ҳарбий хизмат соҳасида катта тажрибага эга, армия билан яқин алоқада бўлган, унинг муаммоларини, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти ва мақсадларини яхши биладиган офицерлар ишлаши даркор.

Олтинчидан. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, армияда моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган кенг кўламли чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Яқин йиллар ичида ўнлаб замонавий ҳарбий шаҳарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларни оилаларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиб беришимиз керак. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича тасдиқланган, 2015 йилгача мўлжалланган давлат дастурининг сўзсиз бажарилишига эришиш, ҳарбийларимизга тиббий, курорт-санатория хизмати кўрсатишни яхшилаш чораларини амалга ошириш лозим.

Еттинчидан. Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш даркор. Барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим. Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук граждан сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши шарт.

Қуролли Кучларимизнинг жанговар қобилияти, мамлакатимиз хавфсизлиги ва жамиятимиздаги маънавий-ахлоқий муҳит бевосита ушбу вазифаларнинг нечоғлиқ муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ҳурматли ватандошлар!

Армиямизнинг қудрати – аввало, унинг халқимиз ҳаёти билан чамбарчас боғланган мустаҳкам ришталарида, узвий алоқасида намоён бўлади.

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида Ватан манфаатларига чин дилдан садоқатли, муқаддас заминимиздаги тинч ва осуда ҳаётни кўз қорачиғидек асраб келаётган энг муносиб йигит-қизларимиз хизмат қилмоқда. Уларнинг фаолияти, жанговар азму шижоати ҳар қачонгидан ҳам юқори баҳоланиб, халқимизнинг юксак ҳурматига сазовор бўлмоқда, ҳарбий хизматчининг ўзи эса давлатимиз ва жамиятимиз ғамхўрлигини амалда ҳар томонлама чуқур ҳис этмоқда.

Мана шу қутлуғ байрам кунида мен Қуролли Кучларимиз сафида Ватанни ҳимоя қилишдек мураккаб, айни пайтда дунёдаги энг олижаноб ва масъулиятли бурчни шараф билан адо этаётган мард ва жасур инсонларнинг ота-оналарига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Сиз, азизларни, сизларнинг оила аъзоларингиз ва яқинларингизни Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 17 йиллиги билан яна бир бор табриклайман. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, она Ватанимиз равнақи йўлидаги хизмат фаолиятингизда янги муваффақиятлар, ғайрат-шижоат, бахт ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

Ғаниев Шухрат Абдулхаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

Қуватов Зафар Ўроқович — Қарши шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин ўчирувчиси

Набиев Суҳбат Абдусаломович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

Турсунов Паҳлавон Ёрқинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг катта сапёри

Турсунов Раҳматулла Суннатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг взвод командири

Файзиев Бахтиёр Алимович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси бўлимининг бошлиғи

Юсупов Равшан Собирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«Дўстлик» ордени билан

Абдинабиев Шавкат Озодбекович — Ўзбекистон Республикаси Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бригадасининг авиация эскадрильяси командири

Айнақулов Иброҳим Тожибоевич — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедрасининг катта ўқитувчиси

Джакбаров Қодиржон Аминжонович — Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

Жалолов Алижон Ғоибназарович — Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультетининг кафедра бошлиғи

Қаюмов Файзулла Абдулҳайевич — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси

Мирфайзиев Анвар Ҳамидович — Самарқанд олий ҳарбий автомобил қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

Попко Николай Иванович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

«Жасорат» медали билан

Абдуваҳобов Абдусаид Абдувалиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Абдуллаев Ихтиёр Баҳодирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взводининг мутахассиси

Абдуллаев Хислатхон Уйғунович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Абдусафоев Нематжон Абдухафизович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

Авазов Санжар Раҳмонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Андақулов Ўткир Абдумаликович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командирининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-2-бетларда)

Аҳмедов Умиджон Турсунович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Бозоров Маҳмуд Ражабович — Бухоро шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин ўчирувчиси

Дивонов Озодбек Улуғбекович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

Камолов Амиршод Облоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

Қодиров Асроржон Солижонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

Матсапоев Улуғбек Бекпўлатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

Мирзаев Бобиржон Тоҳиржонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Небиев Дилявер Решатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Пардабоев Муродулла Норбекович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг мутахассиси

Раҳмонов Қутлуғжон Абдуманонович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

Раҳмонов Муроджон Юлдашевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округининг хизмат бошлиғи

Раҳматов Рустамжон Норқулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Раҳматуллаев Улуғбек Азраткулович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлим бошлиғи

Раҳмонов Илҳом Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг мутахассиси

Раҳмонов Самариддин Суюнович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

Сайитов Мизроб Чориевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг мутахассиси

Тожибоев Тоҳиржон Пўлатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Тохтимаметов Фаррух Маҳмудович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Тошпўлатов Баҳром Мухторович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг қоровул бошлиғи

Тўраев Садулла Бобожонович — Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

Турдиев Валижон Саидович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг командири

Туробов Завқиддинжон Эргашович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взводининг командири

Турсунов Рўзимурод Бекмуродович — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув гуруҳининг қутқарувчиси

Тўхтамишев Абдураҳим Амирқулович — Самарқанд шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин ўчирувчиси

Ўролов Суннатилло Ражабалиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳамроев Ўктам Мамаюсупович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳожиев Тўлқин Туйғунович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шамсутдинов Шуҳрат Мэлсович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг батальон командири

Шерназаров Жўрақул Равшанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Эгамов Мадат Озодович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

Юлдашев Сухроб Рашидович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг дивизион командири

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Арамов Шарофиддин Хошимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

Атабаев Маъмур Муртазоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг мутахассиси

Аҳмедов Шариф Жамолиддинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказ бошлиғи

Бобожонов Саъдулла Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Бобомуродов Элмурод Ҳамидович — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Сирдарё вилояти божхона бошқармаси катта инспектори

Байбеков Равиль Абубакирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг хизмат бошлиғи

Ботиров Қаҳрамон Жўраевич — Шарқий ҳарбий округ ҳарбий судининг судьяси

Баҳронов Шарофитдин Шарифович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг командири

Ғоипов Акбар Жўраевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Дадахонов Шуҳрат Алижонович — Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

Ибрагимов Мардонбек Иргашевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси катта инспектори

Иброҳимов Зафар Каримович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Исмоилов Тимур Уразбоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қўчқоров Маҳамаджон Мамадалиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг қоровул бошлиғи

Маматов Хусниддин Муфатхонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти бошлиғининг ўринбосари

Мирзақулов Дилшод Раҳимжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг катта техниги

Нажимов Тоҳритдин Зуҳридинович — Тошкент вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бошлиғи

Норқўзиев Шуҳрат Номазович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадаси командирининг ўринбосари

Нормуротов Фахритдин Юсуфович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг командири

Обидов Отабек Ғаниевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳи командирининг ўринбосари

Пак Дмитрий Викентьевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғининг ўринбосари

Пармонов Низом Сарибаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командирининг ўринбосари

Раупов Меҳрож Болтаевич — Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасининг бўлим бошлиғи

Рўзиев Шерали Рамазонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Рўзметов Рустам Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Саджид Юрий Гульмухаммедович —Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи

Токпулатов Сакберген Каипбергенович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

Турғунов Тўйчи Умарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Умирзоқов Муроджон Хўжамуротович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳайдаров Алиёр Каримович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси бўлимининг бошлиғи

Худоёров Олимжон Дониёрович — Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти кафедрасининг катта ўқитувчиси

Худойқулов Нормўмин Янгибоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг ҳайдовчи-механиги

Шарипходжаев Сайдолим Сайдазимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шерматов Тоҳир Фаридович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

Эшматов Абдурауф Ҳасанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Юлдашев Исроил Исломович — Андижон вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бошлиғи

Яллақаев Зокир Юсупович — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедрасининг мутахассиси

«Шуҳрат» медали билан

Абдуллаев Отабек Комилович — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг курсанти

Акбарова Гулнорахон Аъзамовна — Ҳарбий-телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейининг кафедра мудири

Алибеков Тиркаш Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мутахассиси

Баратов Музаффар Эшқобилович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взвод командирининг ёрдамчиси

Жуманиёзова Тўтижон Мадаминовна — Ҳарбий-юридик йўналишидаги Урганч академик лицейининг кафедра мудири

Искандаров Ўктам Хатамович — Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг автомобил мактаби ўқитувчиси

Исроилов Носир Муродович — Тошкент вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлимининг бошлиғи

Қозоқов Илҳомбек Бозорбоевич — Давлат божхона қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси бўлинма бошлиғи

Мадалиев Санжарбек Олимович — Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факултетининг курсанти

Маҳмудов Бовмат — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси

Маҳмудов Сарваржон Оқбоевич —Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Сурхондарё вилояти бошқармаси кўрикдан ўтказиш гуруҳининг кичик инспектор-кинологи

Меликулов Бектош Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

Мукумов Зиёдулло Туробович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг гуруҳ командири

Мусаев Руслан Нарзуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактабининг таъминот гуруҳи техниги

Обидов Раҳимжон Обидович — Чирчиқ ҳарбий суди раисининг ўринбосари

Омонов Фазлиддин Келдиёрович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Сатторов Обиддин Усанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

Тўраев Беҳзод Маҳсудович — Чирчиқ олий танкчи қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг курсанти

Турсунбоев Аброржон Ўктамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

Ўктамов Хайрулло Рустамжонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юртининг ўқитувчиси

Ҳамидов Фарҳод Адизович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг мутахассиси

Худенов Ҳасан Юсупович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Эргашева Замира Файзуллаевна — Ҳарбий-қурилиш йўналишидаги Самарқанд академик лицейининг ўқитувчиси

Юсупов Жасурбек Одамбоевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Хоразм вилояти бошқармасининг кичик инспектор-кинологи

Юсупов Зухритдин Юсупхонович — Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув гуруҳининг ҳайдовчиси

Якушкин Александр Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 12 январ

Ishonch 2009-yil 15-yanvar
№ 6 (2575)

«...Учиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди», — деган эди бир суҳбатимизда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти бошлиғи, полковник Олимжон Эрматов. Аслида ҳам шундай. Лекин болаликнинг ширин орзуларидан бири — шунқор бўлиб фазога парвоз этишдек тотли хаёлдан лаззатланиш туйғусини ҳеч ким мурғак қалбдан мосуво этолмайди. Ахир болалик — беғуборлик-да!

ТИНЧЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ПАРВОЗ

...Жамол Ҳайдаров, Илгиз Тухватуллинлар ҳам болаликдан учишни орзу қилган бўлсалар не ажаб. Улар бугунги кунда Марказий Осиёда ягона ҳарбий ҳаво кучларига учувчи ва мутахассислар етказиб берадиган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг илғор курсантлари. Билим юрти 1994 йилда истиқлолимизни ҳимоя қилишдек ўта муҳим вазифани бажариш мақсадида ташкил топди. Замонавий техникаларни аъло даражада бошқарадиган ва уларга сифатли хизмат кўрсатадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаб келмоқда. Вертолёт учувчилари, учиш аппарати ва двигателлари муҳандиси, авиация жиҳозлари муҳандиси, авиация қуроллари муҳандиси, авиация радиоэлектрон жиҳозлари муҳандиси кабилар шулар жумласидандир.

Ҳарбий ҳаво кучларига офицер кадрларни етиштиришда замонавий техник воситалардан кенг фойдаланилмоқда. Ўқув бўлимида 12 та кафедра бўлиб, уларда маъруза синфлари, замонавий ўқитиш воситалари билан жиҳозланган амалий машғулот хоналари, компютер синфлари мавжуд.

Курсантларнинг жисмонан чиниқиши учун гимнастика, енгил ва оғир атлетика заллари, замонавий спорт мажмуалари тренажёрлар билан жиҳозланган.

Билим юртини тугаллаган минглаб мутахассислар бугунги кунда мамлакатимиз мудофаа тизимида турли лавозимларда хизмат қилиб келишаяпти.

Бор билим ва тажрибасини ёшларга ўргатаётган тарбиячилар подполковник А.Шарипов, майор О.Қулматов, подполковник Х.Мингбоевлар жамоа фахрига айланган. Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишда катта лейтенант, марҳум Шермуҳаммад Ашировнинг 1999 йили Сариосиё туманида кўрсатган қаҳрамонлиги курсант учун алоҳида намунадир.

— Бугунги ёш мутахассисга фақат ўз соҳасининг билимдони бўлиш камлик қилади, — дейди илмий-услубий бўлим бошлиғи, майор И.Бойбўтаев. — У маънан баркамол, интизомли, жанговар бўлиши, билимларини муттасил ошириб бориши зарур.

Билим юрти курсант ва аскарлари мудофаа вазирлиги томонидан ҳар йили ўтказиладиган «Аскар қўшиғи», «Қувноқлар ва зукколар», «Шижоат майдони» танловларида фаол қатнашаяпти.

«Энг ибратли ҳарбий оила» танловининг республика босқичида майор Олим Қултоев оиласи фахрли учинчи ўринни қўлга киритди.

— Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб анъанавий оилавий спартакиада ўтказаяпмиз, — дейди тарбиявий ишлар бўйича ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи Д.Каримова. — Жамоада 150 дан зиёд оила бор. Болалар учун тикувчилик, рассомлик тўгараклари ишлаб турибди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲнинг вилоят кенгашлари билан ҳамкорлик қиламиз.

Ўқув-тарбия ишларининг такомиллаштирилгани курсантларнинг юксак интеллектуал салоҳиятга эга етук мутахассис бўлишини таъминлаши, шубҳасиз.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ота-онага ташаккурнома

Марғилондаги «Надирмат» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали ўқитувчиси Солижон Раҳмонов хонадонига Ўзбекистон Мудофаа вазири Р.Мирзаев имзоси билан ташаккурнома келди. Унда ушбу оила фарзанди Дурбекнинг ҳарбий хизматни садоқат билан ўтаб, қуролдошларига ибрат бўлаётгани таъкидланиб, ана шундай ўғлонни вояга етказгани учун миннатдорчилик изҳор этилганди.

Бу хушхабар бутун маҳаллага тарқалди. Оиланинг хурсандчилигига қўни-қўшни, қариндош-уруғ, маҳалла фаоллари шерик бўлишди. Шаҳар мудофаа ишлари бўлими, «Камолот» ЁИҲнинг шаҳар кенгаши аъзолари табриклагани келишди.

— Ватанга хизмат муқаддас бурчдир, — дейди шаҳар мудофаа ишлари бўлими бошлиғининг ўринбосари О.Шаҳоббоев. — Дурбек каби йигитларимиз билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Ўғлим — ифтихорим

Мен уй бекасиман. Олис Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот туманида яшаймиз. Халкимиз «Ўғли борнинг — ўрни бор», деб бекорга айтмайди.

Йиллар елдек ўтиб кетавераркан. Бағрингда кечагина хўрозқанд талашиб юрган фарзандларингнинг бўйи чўзилиб қолгани, эл корига камарбаста бўлганини ҳам сезмай қоларкансан киши. Буни тўнғичимнинг ҳарбий хизматга кетиши олдидан юрақдан ҳис қилдим.

Бахтиёр ҳарбий хизматга кетди. Бир йил ҳам кўз юмиб очгунча ўтди. Аммо мен учун бу муддат... Буни фақат оналар ҳис қилади. Ўғлимнинг ҳарбий хизматдан қайтиши байрам бўлди, десам муболаға бўлмас. У хизматдан тавсиянома билан қайтибди. Мен бу ҳужжатнинг моҳиятини унча яхши тушунмас эдим. Бу ҳужжат унга олий ўқув юртига киришда катта имтиёз бераркан.

Ниҳоят, ўғлим пойтахтдаги ўзи орзу қилган Тошкент давлат техника университетининг энергетика факултетига ўқишга кирди. Ота касбини давом эттиришга аҳд қилган фарзандимга ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан берилган тавсиянома жуда қўл келди.

У ҳозир 1-курс талабаси. Яқинда ўғлим яна бир қувончли хабар билан бизни мамнун этди. Муддатли ҳарбий хизмат ўтаган йигитларга бериладиган имкониятлар нафақат хизмат мобайнида, балки ундан кейин ҳам давом этар экан. Ўғлим тавсиянома орқали ўқишга киргани учун шартнома пулининг 35 фоизи «Камолот» ЁИҲ томонидан тўлаб берилар экан. Бу хабар барчамизга хушнудлик бахш этди.

Биз оналар бахтига Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Алп ўғлонларимизни эса яратганнинг ўзи ёмон кўздан асрасин!

Гулжамол ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Кўнғирот тумани

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжу ғурбат ҳавас айлама.

Алишер НАВОИЙ

Камолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар

Садоқат туйғусин кўнгилда сақланг!



Ўғлининг бўйлари чўзилса отанинг боши осмонга етади. Кўзимга нур, белимга қувват бўлади, дейди. Онанинг ҳам кўнглига бир олам қувонч киради.

Маҳалла-ю қишлоқ кўчаларидан гурс-гурс одимлаб бораётган ўғлонларга қараб эл-юрт ҳам севинади. Кексалар дарров қўлларини дуога очадилар: «Ўғлонларимиз соғ-омон улғайсин, қайда бўлса ҳам омон бўлсин!».

Бир пайтлар катта укам ҳарбий хизматга жўнаётиб биз билан хайрлашаркан, товуши титраб-титраб кетди. Сочлари олиниб, янаям кичрайиб қолган, бунинг устига ҳаммага жовдираб турган укам кўзимга ношуд ва ожиз бўлиб кўринганди ўшанда. Аммо хизматни ўтаб қайтганидан сўнг базўр танидик. Алп қоматли ўктам ўғлонга айланганди у. Билакларидан куч-қувват, нигоҳларидан шижоат ёғилиб турарди. Армия уни ҳақиқий эр йигит қилиб тарбиялаганди!

Чиндан ҳам ҳар бир ўғлон йигитлик бурчини ўташ давомида матонат ва ирода синовларидан ўтади, кучига куч, ақлига ақл қўшилади. Бундай йигит эса нафақат ота-онаси ва маҳалла-кўй, балки Ватан учун ҳам қудратли қалқон бўлишга қодирдир. Аслида, Ватан нима? У қанчадан-қанча ботирлар хоки ётган, қони тўкилган муқаддас тупроқ. Истиқлолни орзулаб яшаган не-не мард инсонларни бағрига жо этган муқаддас маскан. Кўзимизнинг қорачиғи, юрагимизнинг ҳароратидир Ватан!

Кучли миллатни камолга етказаётган она Ватан бизнинг улкан бойлигимиз саналади. «Миллат инсониятнинг бойлигидир», деган эдилар Президентимиз. Ана шу бойликни асраб-авайлаш эса айни вақтда юртимизнинг турли жойларида зобитлик бурчини ўтаётган ва уларнинг изидан келаётган юзлаб-минглаб ўғлонларимиз зиммасидадир!

Яқинда олис қишлоқдаги мактабда учрашув ўтказдик. Даврадаги ўқувчилардан бири ўзи ёзган шеърини ўқиб берди. Унда шундай сатрлар бор эди:

Бизникидир фақат шу юрт, шу чаман,
Келажак бизники — ёруғ ва порлоқ.
Садоқат туйғусин кўнгилда сақланг,
Йигитлар, сиз доим бўлингиз уйғоқ!
Замонлар ўзгарар, ўзгарар дунё,
Омад, бахт, ғалаба — мангулик эмас.
Билингки, ҳар неки исёнлар ичра,
Биз фақат Ватанни асраб қолсак бас!

Йиғин аҳли бу шеърдан таъсирланиб ҳаяжонга тушди, ўқувчини олқишлаб ҳамма чапак чалди. Шунда аён бўлдики, каттаю кичикнинг юрагида ўғлонларимизга бўлган ишонч ва умид туйғулари барқ уриб турибди. Қай кун келиб шу мактабдаги ўғлонлар ҳам оиласи ва маҳалласига ибрат, миллатга таянч, она юртга қанот бўладилар!

Йигит улғайса Ватан ҳам улғаяди, деганлари бежизга эмас. Мард ва ўктам йигитларимиз ҳамиша омон бўлсин, дейман.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Ватанни севмоқ иммондандир

Одатда, одам ўзи ишонмайдиган нарсалар ҳақида кўп гапиради. Ахир бани башар ёзуғига СЎЗдан-да асраб-авайланадиган тушунча-(лар) битилмаган дейсизми?.. Табу хижобичи?.. Бироқ одам... ҳа-ҳа, ўша малаклик ва ҳайвонлик аросатида саргардон одам таъма зарбасига қаршилик қила олмай жуда кўп улуғ тушунчаларнинг елкасига оёқ қўйди: у баландламоқчи эди, лекин... телба-тескари дунё экан: тубанлашди.

Қиёфа. Исм. Асос.

Ватанпарвар!..

Бу сўзни эшитиб сизнинг ҳам мийиғигингизга кулгу илашди-я: нега шундай? Нима учун Таъмасиз Ватанпарвар борлигига ишонолмаймиз? Бу учун ким (нима) айбдор? Бизми ё ўша тушунчалар? Ватан деганлари нима ўзи? Мана шу чордеворми? Ё сарҳад? У остонадан бошланадими? Ватанни севишни қандай қилиб исботлаш мумкин? Бунинг учун, албатта, уруш бўлиши шартми? Умуман, ватанпарвар қандай одам?!.

Саволлар карвонининг поёни кўринмайди...

Мактаб пайтлари шу мавзуда иншо ёздиришса, ҳамма бир куйни хиргойи қиларди: «Булбулнинг ҳам ини бўлгани сингари ҳар бир одамнинг ҳам ватани бўлади. У киндик қонимиз тўкилган жой...».

Ва ҳоказо... Ва ҳоказо...

Ўша пайтлар бу жумлалар кулгумни қистатмас, умуман, шу гапларга ишонардим. Бироқ йиллар ўтиб тасаввуримдаги ВАТАН жуда-жуда кенгайиб кетди. Энди қишлоғимизни яхши кўрганимиз учун бошқа қишлоқликлар билан ғиштлашишлар... қадриятларимиз ҳимояси деб ўзгаларникига беписанд қарашлар... она тилимизга хиёнат бўлади деб чет тилини ўрганишдан бош тортишлар... барча-барчаси, жуда жўн ва қайсар меҳрнинг бир бўлаги (қирраси) эканлигини, алҳол, ватанпарварлик бу ҳудудпарварлик эмаслигини тушунгандай бўлдим.

Ватанни ҳамма ўзича севади. Уни ўргатиб бўлмайди. Аммо севгида таъма бўлмагани сингари, кап-катта опахон телевизорга чиқволиб «ватандан ўзгасига мен муҳаббатимни бермаман» дея эҳтирос билан шиғир ўқиса... энса қотиши тайин.

Одамнинг фитрати ва тийнатига хос бир ҳолат бор: агар у нимагадир ишонса, ўша учун ҳамма нарсага тайёр бўлади.

Тасаввуримда яшаётган ВАТАНни эса на замон ва на макон билан ўлчаш мумкин: у — ЎЗим: барчаси!..

Мен унга хиёнат қилишни хаёлимга ҳам келтирмасам... шундан ҳаловат топсам... ҳамиша у билан бирга бўлсам... исмини ҳижобда сақласам... — буни кимдир билиши шарт эмас. Умуман, менинг ватанпарварлигим ҳеч кимга халал бермаслиги керак.

Ойнаи жаҳонда, матбуотда, анжуманларда... ўзини ватанпарвар санабон оғиздан тупук сачратиб, кўксига-ю минбарга мушт тушурадиган нусхаларни кўрганимда эса, Нозим Ҳикматнинг бир гапи эсимга тушади: «Агар мана шу аблаҳлар ватанпарвар бўлса, мен ватан хоиниман..».

Бироқ... истайсизми-истамайсизми... доира чалинса доирага, дўмбира чертилса дўмбирага хиргойи қилиб ўйин тушадиганлар ҳамма замон ва маконда кўп бўлган: қиёфасизлик қиёфа йўқ ёки қиёфа истамасликни эмас, балки қиёфа топилмаганлигини англатади...

ВАТАН — бу Қиёфа, Исм, Асос...

Уни на алмаштириб ва на ундан воз кечиб бўлади. Ватанни таниш — ЎЗни танишдир. ЎЗни таниш — таъмани енгиш демак. Таъма енгилган жойдан эса... Инсонлик бошланади. Аслида ҳам бору йўғимиз шу... Шундай экан, ВАТАН(имиз)га эврилишни ўрганайлик.

Яна ким билсин...

Умид ЯЪҚУБОВ

Нодар ДУМБАДЗЕ

HELLADOS

(Асардан парча)



... Ўша куни Янгули сут опкелди. Ҳовлида унга кўзим тушдию... таниёлмай қолдим. Башараси мўматалоқ бўлиб кетган эди.

— Нима бўлди? — деб сўрадим ажабланиб.

Ақл бовар қилмасди — бу атрофда Янгулига ким қўл кўтариши мумкин?! Ёки бирортга каттароқ ёшдаги одамнинг ишимикан бу?

— Ҳеч нарса! — деди у четга қараб.

— Афтингга бир қарагин....

— Ҳечқиси йўқ! — дея жилмайди у.

— Янгули, ким урди? Агар кучинг етмаган бўлса, бирга борамиз!

Янгули бош чайқади.

— Эшагингни боғла, ҳозироқ борамиз! — деб сут солинган хурмачани зинага қўйдим.

— Кераги йўқ, унга барибир кучимиз етмайди! — деди Янгули синиқ кулимсираб.

— Нега етмас экан?! Иккаламизниям-а?

— Иккаламизниям, бутун Венециан кўчасиниям...

— Ким экан у муштумзўр?

— Отам?

— Отанг?

— Отам.

— Нима гуноҳ қилувдинг? — дея унинг шишиб кетган чаккасига авайлаб қўлимни текказдим.

— Сабаби бор-да...

— Нима иш қилиб қўйдинг?

— Кетмоқчи эмасман... Отамнинг гапига қараганда, бизнинг ватанимиз, она тупроғимиз ўша ерда... бизни аждодлар руҳи чақираётганмиш, бу нидога қулоқ солиш шарт эмиш...

— Нега бирга кетмоқчимассан? — деб сўрадим астойдил таажжубланиб.

Янгулидан анча вақтгача садо чиқмади. Нуқул эшагининг қулоғини силарди. Силаб турганида қулоқ кафтига ётар, аммо қўйиб юборди дегунча, худди суҳбатимизни эшитолмай қолишдан қўрққандай, дарров яна диккайиб олар эди.

— Қандоқ тушунтирсамикин... — деб гап бошлади у ниҳоят. — Онам йўқ, ҳатто эслолмайман ҳам. Отам уззукун томорқада ёки тирикчилик ташвишида... Мен кўчада, Венециан кўчасида катта бўлдим... Менинг ватаним, менинг Элладам бу — Сухуми, кўча, Чалбаш; бу — Кока, Петя, Курлика, Фема, Қора денгиз, кўприк... — У бир ютиниб олиб давом этди: — Бу — Мида... қолаверса, сен...

Миданинг исмини менинг олдимда Янгули биринчи марта тилга олаётган эди. Аммо мен Мида — бир абхаз кишига турмушга чиққан грек аёлининг қизи эканини, Сухумида ундан гўзал қиз йўқлигини, Янгули уни яхши кўришини билардим.

— Тушундингми энди?

Аъзойи баданим жимирлашиб кетди. Бунақа сўзларни умримда биринчи марта эшитаётган эдим.

ФАХРИЁР

Ватанпарвар

У «Ватан!» деб бақирмайди ҳеч,
Кўчаларга чиқмас ҳайқириб.
Тилига ҳам олмас эрта-кеч,
Мақтамайди кенглик, айғирин..
Кўзларига ёш ҳам олмайди
Ватан учун жамоат жойда.
Ўзи билганидан қолмайди,
У Ватандан кўзламас фойда.
Бирор кимга уқтирмайди у
Ватанини суйишни қандай.
Минбарлардан сочмайди туйғу,
У жимгина яшар... Ватандай.
Бир аёлни суйгандай суяр
У Ватанин жимгина ва хос.
Елкасига қўлларин қўяр
Ва ардоқлар бағрига босиб.
Керак бўлса, жонини берар,
Лекин уни ҳеч кимга бермас.
Ҳар битта тош, ҳар битта терак
Унга азиз, бегона эрмас.
Узун тоғларининг тошини
Юрак тафтин бериб илитар.
Юртга муҳаббатин шошилмай
Тўкаётган қон билан битар.
У қўрқмайди, зорланмайди ҳам,
Қонлар учун марҳамат кутмас.
Жон берарга орланмайди ҳам,
Билар, уни Ватан унутмас.
Она бўлиб унутмас Ватан,
Бир ёр бўлиб сақлайди ёдда.
Хоҳланг, уни қаҳрамон атанг,
Хоҳланг, ватанпарвар — бир оддий.
Унинг учун бунинг фарқи йўқ,
Мақтов тинглашга жон куйдирмас.
Ватанидан унинг кўнгли тўқ,
Қолган гаплар бари уйдирма.

Барчамизнинг бўрчимиз

«Ватанимга хизмат қиламан». Бу сўзларни эшитган одам гап яна ҳарбийлар ҳақида бўлса керак деган ўйга бориши аниқ. Тўғри, 14 январ санаси атрофидаги аксарият мақолалар шу мавзу доирасида бўлади. Ватан ҳимоячилари куни доимо шу соҳа фидойилари ҳақида гапирамиз. Аслида, бу қанчалик тўғри ёки... Ватанни фақатгина битта соҳа вакиллари қўриқлайдими? Бизнингча, йўқ. Зеро, бу муқаддас тупроқни ҳар биримиз асрашга, авайлашга, унга хизмат қилишга бурчлимиз.

Уч-тўрт ёшлар чамасидаги жиянимдан ҳар гал «Катта бўлсанг ким бўласан?» деб сўраганимда «аскар» деган жавобни оламан. «Ҳаммадан кучли бўламан. Кейин сингилларимни қўриқлаб юраман», — дейди болаларча беғуборлик билан. Дунёни англаш жараёнида шаклланаётган тасаввурлари орасида «ҳимоя қилиш» деган тушунча шундай гавдаланаётгандир эҳтимол. Энг муҳими, у эгалик ҳиссини, шаён, ор, қадр тушунчаларининг муқаддаслигини англаб улғаймоқда. Қайси соҳа вакили бўлиб етишмасин, унинг энг асосий аҳди Ватанни ҳимоя қилишга чоғланаётганидан бошлангани киши кўнглига илиқлик бағишлайди. У бугун ўзининг тоза НИЯТи билан ВАТАНнини ҳимоя қилмоқда.

Бир неча йил олдин синфдош дугонам ўқиш учун хорижга йўл олди. «Ватандан йироқда кўнгил ҳам ёлғизланиб қоларкан», — деганди бир гал қўнғироқ қилганда. Унинг бироз совуққонлиги, кўнгилсизликка берилмаслигини эслаб бу гапидан роса ажабландим. Суҳбатимиз тугаб улгурмасидан радиодан қўшиқ эшитила бошлади:

...Шодон куним гул отган сен,
Чечак отган изимга.
Нолон куним юпатган сен,
Юзинг босиб юзимга.
Синглим дейми,
Онам дейми,
Ҳамдарду ҳамхонам дейми?
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри —
Илиғимсан, Ватаним!..

Иккимиз ҳам оҳанг таъсиридан жим қотганмиз...

Вақти келиб, у Ўзбекистонга қайтди. Ўз соҳаси бўйича иш бошлади. Ўша қўшиқ эса унинг доимий ҳамроҳига айланган. «Ватандошларинг билан бирга, энг муҳими, ўз юртинг учун ишлашдан ортиқ бахт борми!» деган сўзларини кўп эшитиб турамиз. У бугун ўз МЕҲНАТи билан ВАТАНнини ҳимоя қилишга бел боғлаган.

Ўтган йили бўлиб ўтган бир анжуманда Тошкент давлат техника университетининг Ғафуржон исмли фаол талабаси кўпчиликнинг эътиборига тушганди. Ўзи олға сураётган илмий назариянинг моҳиятини мулоҳазакорлик билан тушунтираётган бу йигит миллий армиямиз сафида йигитлик бурчини ўтаб, имтиёз асосида ўқишга қабул қилинган экан. Кўпчилик ишончини оқлаган бу йигитнинг бугунги мақсади ўз БИЛИМи билан ВАТАНнини ҳимоя қилишдир.

Замондошларимиз орасида шу эл, шу юрт учун фидойилик билан меҳнат қилаётган кишилар кўп. Энг муҳими, у ҳарбийми, ўқитувчи ё шифокорми, ким бўлишидан қатъи назар кўнглида эзгу ниятдан бошқасига ўрин йўқ. Зотан, Ватанни софдил кишилар қўриқлайди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Жиноят қуроли сифатида автомашина мусодара қилинди. Судланган шахснинг турмуш ўртоғи автомашинани эллик фоиз қийматини тўлаб, сотиб олиши мумкин дейишаяпти. Тўғрими?

О.ҲАҚБЕРДИЕВ,
Косон тумани

Аввало, бирор ҳуқуқ-тартибот ходими маслаҳат берганда, бу қоида қайси ҳужжатда мустаҳкамланганини суриштириш зарур.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 140-қарори билан тасдиқланган «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида»ги низомга кўра, олиб қўйилган автомототранспорт ваколатли органларнинг, Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларининг ҳамда уларни сақлашнинг тегишли шароитларини таъминловчи бошқа ташкилотларнинг махсус ажратилган жойларида (сақлаш жойлари, омборлар, жарима майдончалари) сақланади. Автомототранспортни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси олиб қўйиш тўғрисида протокол тузилган вақтдан бошлаб уч кун ичида автомототранспортни рўйхатдан ўтказувчи тегишли нотариал ва ички ишлар органларига билдиришнома жўнатади. Автомототранспортни давлат даромадига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин суд ижрочиси белгиланган тартибда автомототранспортни қабул қилиш-топшириш амалга оширади.

Автотранспорт белгиланган тартибда кимошди савдоси орқали сотилади.

Сиз қайд этган ҳол ушбу низомда назарда тутилмаган.

Солиқ идорасига икки йил олдинги тўловларим ҳақида маълумот беришни сўраб мурожаат қилсам, рад этишди. Шу тўғрими? Агар тўловларни ошиқча тўлаган бўлсам, уларни икки йилдан кейин ҳам қайтариб олишим мумкинми?

М.ЗОКИРОВА,
Фарғона вилояти

Солиқ кодексининг 38-моддасига кўра, давлат солиқ хизмати органи солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиши мумкин. Солиқ тўловчи солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олишни ёки қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Ходимлар сони қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда касаба уюшмаси фикри инобатга олиниши керакми ёки маъмурият ўзича ҳал этадими?

Ў.ШУКУРОВ,
Андижон вилояти

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ishonch 2009-yil 15-yanvar № 6 (2575)

Бадиий асарларда ҳаёт ҳодисалари ижодкорнинг дунёқараши орқали ўтиб бадиий шаклга киради. Бу ҳодисалар ижодкор миясида «қайта ишланиб», яна ҳаётга аслидан кўра таъсирчанроқ, жозибалироқ қилиб берилади.

Қоғозга кўчган изтироблар

Атоқли адиб Тоғай Мурод асарлари ҳаётийлиги, халқчиллиги, ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Қаҳрамонларнинг характер жиҳатидан миллий бўлиши китобхонлар қалбидан чуқурроқ жой олади. Аслида Тоғай Мурод ана шу қаҳрамонларнинг жонли, таъсирчан қиёфасини яратиш учун ҳаётий воқеаларни саралаган ва умумлаштирган. Адиб кундалик турмушимиздаги ўзаро муносабатлар, бировлар учун номаълум бўлган оилавий муомаламизни турли характерли кишилар қиёфаси орқали гавдалантиришга ҳаракат қилади.

Масалан, «Ойдинда юрган одамлар» асарини ўқир эканмиз, унда кишиларни шунчаки умумий тарзда эмас, балки муайян характер эгаси сифатида тасвирлашга асосий эътибор қаратилганининг гувоҳи бўламиз.

«Қишлоқда бир бўзбола бўлади.

Бўзбола елкадор, пишиқ қоматли бўлади. Кулча юзларида чуқур-чуқур кулдиргичлари бўлади.

Бўзбола қоматини тик тутади. Жойида тик туради. Қўлларини кўкрагига қовуштиради, ё белига тирайди. Бир нуқтага тикилади. Қаерга тикилади, нимага тикилади?..

У олислардан кўз узмайди, киприклар-да пирпиратмайди. Биз у тикилмиш тарафга қараймиз. Зангори уфқ. Шу! Ақалли булутлар-да йўқ.

У бизни ҳайрон қолдирибқолдириб яшайди!»

(«Ойдинда юрган одамлар». Танланган асарлар. Тошкент. «Шарқ». 2008 йил. 217-бет. Кейинги иқтибослар ўша асардан).

Тоғай Мурод асарларида қаҳрамонлар характерини белгилашда табиат, атроф-муҳит ҳал қилувчи рол ўйнайди. Юқорида таърифи келтирилган образ Қоплон образи. Бу тоғ-тошларда мағрур юрган дашт қоплони эмас, оддий қишлоқ йигитининг исми. Адиб бу образдаги Қоплонни исмига мос, худди дашт қоплонидай эркин ва мағрур таърифлайди. Қолаверса, қиссада келтирилган ҳар бир ҳодисага алоҳида-алоҳида, батафсил тўхталиб ўтади.

Тоғай Мурод асарда ҳаёт ҳодисаларини ҳаққоний кўрсатади, қаҳрамонлар қиёфасини жонли, таъсирчан тарзда гавдалантириб беради.

«Кенжа зурриёт бўлмиш қиз беш яшарлигида ота-онадан сағир қолди. Акаси қўлида қолди. Янгаси бўлмишнинг қовоқ-тумшуғига қараб кун кўрди. Янгаси бўлмиш қовоқ уйди...

Шунда... шунда сағир нафас олмади! Сағир кўзлари пирпир этди. Сағир кўзлари олма терди.

Сағир ҳадаҳалаб борди. Жияни бешигини қўшқўллаб ушлади. Сағир жон-жаҳди билан бешик тебратди...

Сағир қорни очди. Сағир бармоғини сўрди. Аммо миқ этмади.

Янга дастурхон ёйди. Сағирни дастурхон имлади...

Сағир бир тишламгина нон синдириб олди.

Сағир янгага қараб-қараб нон тишлади, мўлтираб-мўлтираб нон чайнади».

Тоғай Мурод ўз кечинмаларини қаҳрамонлари изтиробида ифодалади. У ёзаётганда уларга ачинишини ошкора билдириб ёзди. У яратган қаҳрамонлар ўқувчи кўз олдида аниқ гавдаланади. Қаҳрамонлар ҳаётидаги биргина воқеа ҳам унинг нигоҳидан четда қолмайди. Қиссадаги Қоплон билан Оймомо тақдири, аслида бир гап билан ифода этса бўладиган воқеа. Яъни, фарзандсизлик муаммоси! Лекин адиб бундай деб ўйламади. У яратган образлар бир-бирининг мунгли кўзларига термулиб умр ўтказиш эмас, балки бошқа турмуш қуриб бахтли ҳаёт кечиришга ҳақли инсонлар эди. Тоғай Мурод бу воқеага янгича талқин берди. У бу асар қаҳрамонларига чин дилдан ачинди. Уларни ҳурматлаб, кўнглига қараб ёзди. Уларни алқади. Кўкларга кўтарди. Уларнинг ҳаётини ғоят нозик, ғоят таъсирчан тасвирлади. Уларни туғилмаган болаларнинг отаси-онаси, туғилмаган невараларнинг бобоси, момоси дея таърифлади. Уларни ошкора йиғлатмади. Уларнинг руҳиятида содир бўлаётган ҳолат ва фикрий ўзгаришларни шу даражада аниқ кўрсатдики, бу билан ўзи яратаётган образларнинг қалб дунёсини жуда чуқур ҳис қилганлигини ошкор этди.

«Момомиз шундайгина бобомиз қабатларида ўтирибдилар. Дока рўмоллари учлари елларда ҳилпиради-ҳилпиради, бобомиз юзларини силади. Бобомиз ҳузурландилар, бобомиз ғашландилар. Киприкларни пирпиратдилар, ёноқлари, лабларини учирдилар.

Дока рўмол момомиз сочларидай оппоқ бўлди, майин бўлди.

Оҳиста-оҳиста эсмиш ёз еллари танга ҳузур берди. Еллар салқин бўлди, еллар сокин бўлди.

Ёз елларидан ер иси келди.

— Бу йил пишиқчилик яхши келди, момоси. Мевалар мўл...».

Тоғай Мурод қаҳрамонлари умидсизланмади, тушкунликка тушмади. Уларнинг фарзанд кўриш илинжи бир-бирига бўлган меҳру муҳаббати билан ҳамоҳанг тарзда кучайди. Улар вақт ўтган сайин руҳанмаънан улғайди, иродаси тобланди. Тўй-маъракаларда тишларини тишларига қўйиб ўтиришди. Одамлар олдида кулиб туришди. Лекин уларнинг дардларини эслатиб турувчилар, ошкора юзига солувчилар ҳам бўлди. Қоплон билан Оймомонинг изтиробларидан ҳузур қилиб, бемалол яшашига муайян даражада қаршилик қилиб келган образ Қиммат момо бўлди. Адиб бу борада ҳам ўзининг сўзини айта олган. Яъни, ҳаётда доимо учраб турадиган иғвогар инсонларнинг қиёфасини Қиммат момо образи орқали тасвирлай олган.

«Қиммат момолар ёмонлардан холис-холис юради, ёмонлардан олис-олис юради. Ёмонларни кўрса ... қочади! Ёмонлар билан ҳорикулодда йўлиқиб қолса... гирдикапалак бўлади, ширинсухан бўлади, ишринзабон бўлади!».

Хоҳлайсизми-йўқми, яшаб турган жамиятимизда Қиммат момолар бор, Қоплон билан Оймомолар-да бор. Тоғай Мурод мана шу томонлама қаҳрамон танлашда адашмаганининг гувоҳи бўламиз.

Тоғай Мурод асарларида миллий урф-одатлар, азалий қадриятлар алоҳида ўрин тутишини қайд этиш лозим. Адиб асарларида ватанпарварлик, бағрикенглик, миллийлик ўзига хос жиҳатлар билан тасвирланади. Яъни, қаҳрамонлар характеридаги бу жиҳатлар уларнинг қон-қонига сингиб кетган, авлоддан авлодга ўтиб келаётган, унутилмас вазифа сифатида намоён бўлади. Бу билан уларнинг ўзлигини теран англаши — атрофда кечаётган ҳодисалар ҳамда атрофдаги инсонлар руҳиятида содир бўладиган кечинмалар ўртасида ўзаро мувофиқлик мавжудлигига ишора қилинади.

«Аёллар тағин кимни таклиф этишни маслаҳатлашди. Гап айланди-айланди, охири Мунаввар отли аёлга бориб тақалди.

— Бети қурсин, бетидан бузилсин.

Бу гапни Холдон момо айтди.

Аёллар бирдан сергак бўлди. Бир-бирига қаради. Ўзларича қаради, илмоқли қаради. Бирин-кетин бош ирғади.

— Айтганингиз келсин! — деди.

Боиси, элда Мунаввар суюқоёқ аёл демиш гап оралаб юради...

Сумалак ана шундай улуғ ҳам эътиқодга молик таом бўлди!».

Тоғай Мурод нафақат асар қаҳрамонларига, балки ҳар бир воқеага таъриф берди. Воқеалар ривожида тилга олинган ҳар бир муҳим жой номими, байрам сайлими, бирор аҳамиятга молик нарсами, ҳаммасига тўхталиб ўтган.

Хулоса қилиб айтганда, Тоғай Мурод асар ёзишда, қаҳрамонлар характерини белгилашда уларнинг мақсад ва интилишларини таъминловчи воқеа-ҳодисаларни асарнинг марказига қўяди. Адиб яратган қаҳрамонлар характеридаги индивидуал хусусиятлар ва уларнинг дунёқарашига хос умумий жиҳатлар ўзаро мутаносиб ҳолда намоён бўлади. Тоғай Мурод асарларидаги қаҳрамонлар хатти-ҳаракати табиийлиги билан эътиборни жалб қилади. Тоғай Мурод ушбу асар орқали ҳаёт ҳақиқатини, инсонлар руҳиятининг мураккаблигини, турмушдаги баъзи камчиликларга қарамай қаҳрамонларининг ойдинда юришга лойиқлигини теран ифодалаб берган адибдир.

Абубакр ЎРОЗОВ,
тадқиқодчи



Ориф ФАРМОН

Инсценировка

Детектив

(Охири. Боши аввалги сонларда).

Доимий жазманларнинг кўнглига урган Каромат энди юр деган ҳар қандай одам билан кетишга мажбур эди.

Одатда фоҳишага ҳамма нафрат билан қарайди. Ҳатто фойдаланган одам ҳам уни пастга уради. Фоҳишага осон эмас — нотаниш кимса билан номаълум томонга таваккал қилиб кетавериш учун отнинг калласидай юрак керак. Каромат фоҳишалик кечмишида кўп зиёфатларда бўлди, орада калтаклар еди, ярим тунлари зим-зиё кўчаларда қолиб кетди, итларга таланди. Охири аёлнинг бахти яхши оила қуришда деганлар ҳақлигини тан олди.

Узоқ вақт эрга тегиш умиди билан юрди ва ниҳоят Алишерни учратди. Йигитнинг нияти жиддий эди. Бироқ Санобар ҳаммасини барбод қилди. Сирни очиб қўйди.

У Санобардан ўч олишга қасд қилди. Лекин мутлақо ўлдириш нияти йўқ эди, ўлдириш қўлидан келишини тасаввур ҳам қилолмасди. Ўша куни эски ўйнаши Аброрни топиб уйга бордилар.

Каромат эшик очилиши билан югуриб чиққан Санобарга ташланиб қаҳрини соча кетди.

— Ошқовоқдай башарангга ҳеч қарамагани учун алам қилиб мени сотгансан! Туғилганингга пушаймон қилдираман, ифлос бақа! — Каромат унинг сочига чанг солди.

— Мендан бўлмаса, бошқа одамдан биларди барибир! — дея чинқирди Санобар Кароматнинг қўлидан қутулолмай юлқинаркан.

Каромат қизнинг сочини қўйиб юборди-да, пойгакда ётган туфлини олди ва унинг товони билан ура кетди. Санобар хонага қочиб кириб хўнграганча ўзини каровотга ташлади. Каромат унинг устига отилди ва жон-жаҳди билан бўға бошлади. Ҳанузгача нима қилганини билмай қаққайиб қолган Аброр югуриб кирди. У ҳеч қачон аёлларнинг бунақанги ваҳшийларча урушишини кўрмагани учун ўзини йўқотиб қўйганди. У Санобарнинг кўзи кўкариб кетганини кўриб қичқириб юборди:

— Нима қилиб қўйдинг?! Ўлдими?

Шундагина Каромат чангакка айланган қўлларини тортиб олди.

— Ўлсин! Баттар бўлсин! — дея ҳирқиради у тишлари орасидан. Аброр талвасага тушиб ўзини уёқдан буёққа ташлай бошлади.

— Энди нима қилдик?!

— Олиб бориб кўмиб ташлаймиз.

— Йўқ, биров кўриб қолади. Бошқа йўлини топиш керак.

— Қанақа йўл? — Каромат Аброрга умид билан тикилди. Аброр юзини чангаллаганча бир зум ўйланиб турди-да, деди:

— Сен ҳозир чиқиб автобусда уч-тўрт бекат юрасан-да, таксида қайтасан. Тушаётганингда «пулим йўқ» деб таксичини амаллаб уйга олиб кирасан. Қолганини менга қўйиб бер. Ўраниб ўзингни танитмайдиган қилиб ол. Таксичининг нимжонроқ, ёшроғини танла.

Улар режани амалга оширдилар. Таксичи Маҳмудов Толибнинг чўнтагига пул ва Санобарнинг тақинчоқларини тиқиб қўйишди. Бироқ тажрибасизлик қилиб уларга таксичининг бармоқ изларини туширишни унутдилар. Бу эса адвокатга жуда қўл келди.

Каромат адвокатнинг милтиқнинг ўқидай миясига урилаётгандай саволларидан довдираб қолди. Борган сари гапларидан чалкаша бошлади. Охири бардош беролмади, қилмишини тан олишга мажбур бўлди.

Сталиннинг қизи

Архив

Қадриятлар жамиятимизнинг бойлиги, уларни асраш барчамизга хос хусусият. Лекин инсон ўзи яратган ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қадриятларни кўп ҳолларда поймол этишини ҳам тан олишимиз керак. Қонунбузарлик, ахлоқсизлик, анъаналарга зид хатти-ҳаракатлар бунга мисол бўла олади.

Илгариги мамлакат раҳбарлари, сиёсий арбоблар, уларнинг оила аъзолари тўғрисида жуда кам маълумотга эгамиз. Чунки бундай шахсларнинг ҳаёти сояда бўлар эди. Шу пардани озгина бўлса-да очишга ҳаракат қиламиз.

СССРнинг энг улуғ одами бўлмиш Иосиф Виссарионович Сталиннинг қизи Светлана Аллилуева 83 ёшга кирган ва АҚШда яшаган. Лекин бу аёл умр бўйи отаси тўғрисида матбуот ходимлари билан гаплашишни хоҳламас эди. Фақат 2006 — 2007-йилларда нимагадир Светлана озгина интервю берадиган бўлди. Ўзининг ҳикоясида Светлана Иосифовна АҚШ фуқароси бўлганига 32 йилдан ошгани ва русча гаплашмаслигини айтди.

— Мен Россияни жуда ёмон кўраман, бу руслар отамни ҳурмат қилишмади. Мавзолейдан жасадини олиб ташлашди, уни халқ душмани дейишга ҳам бордилар. Ахир бутун дунёга маълум: отам бошчилигида СССР иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозонди. Ундан кейинги раҳбар Никита Хрушёв отамнинг ишларини пухта текшириб айб топмади, лекин қоралади. Мен буни ҳеч кечира олмайман!

Нега 40 йил Светлана Иосифовна билан мулоқот қилиш қийин бўлган деган савол туғилади. Бу даҳонинг қизи бўлмиш Светлананинг ҳаракатларига боғлиқ. У журналистларнинг оддий саволларига ҳам «сизлар менинг шахсий ҳаётимга қизиқишга ҳаққингиз йўқ» деб бақириб берар эди.

Тарихдан маълумки, Иосиф Сталиннинг хотини ўзини ўзи ўлдирган. Суиқасддан олдин эрига иккита хат ёзиб қолдирган. Биринчи хат ғазаб, лаънат, ҳақоратлар билан тўла, иккинчисида болаларни қандай тарбия қилиш кераклигини ёзган. Даҳо оиласи яқинларига маълум эдики, эр-хотин ўртасида кўпинча келишмовчилик, уруш-жанжал бўлиб турар эди, шу туфайли охирги 5-6 йилда Сталин хотинига яқинлашмаган ва ҳафталаб уйга бормаган.

Бу ҳолатлар тўғрисида Сталиннинг ўғли — Иосиф Аллилуевга бувиси гапириб берган. Она ўзини пистолетдан отишдан олдин ҳаяжонда бўлган, руҳан эзилган. Шунга қарамай ўлимолди хатида эридан Светлана ухлашдан олдин тишини ювишини, ўғли Василий, яъни иккинчи фарзанди математика билан пухта шуғулланишини талаб қилган.

Бу маълумотларни Светлана Аллилуеванинг ўғли Иосиф гапириб берган, у ҳам онасига ўхшаб камгап бўлиб, журналистларга умрида атиги иккинчи марта интервю бериши эди холос.

Светлананинг сўзлари: «Мен онамни ҳеч қачон бахтсиз демаган бўлар эдим. Нима хоҳласа шу нарса муҳайё эди. Совет Иттифоқининг раҳбари, 40 йилдан ошиқ катта мамлакатни бошқарган инсоннинг турмуш ўртоғи тўла-тўкис тўқликда, камчиликсиз ҳаёт кечирган.

Лекин СССР халқининг кўпчилигида онам отамнинг зулмига чидай олмай ўзини ўзи отишга мажбур бўлган деган фикр пайдо бўлди. Лекин фикрлар умуман нотўғри.

Онам индустриал академияда ўқишни бошлади ва отам билан ажрашиш ниятида эди, буни ҳамма қариндош-уруғлар, МКдаги юқори лавозимли шахслар билишар эди».

Светлананинг биринчи севгиси

Уруш вақтида Светлана Аллилуева севги дардига учради.

— У таниқли рус кинопродюсери ва сценарист Алексей Каплер эди. ВГИКда ҳам дарс бераркди, биз ўртоқлашиб кетдик. Ўртада муҳаббат пайдо бўлди. Кино, театрларга борар эдик. У мендан 20 ёш катта эди, — дейди С.Аллилуева.

Архив

Қизи ва Каплер ўртасидаги муносабатларни Сталиннинг шахсан ўзи тўхтатди. Бу пайт Каплер фронтда — репортажлар ёзар эди. Битта газетада «Лейтенант Л.нинг Сталинграддан хати» деган мақола пайдо бўлди, унда Каплер Светланага муҳаббатини изҳор қилган эди.

НКВД томонидан бу газета Сталиннинг столига қўйилди, уни ўқиб чиққан даҳо қаттиқ ғазабланиб кетди. Сталиннинг буйруғи билан бечора Каплер Москвадан узоққа 5 йилга сургун қилинди, лекин у муҳаббат оловида ёниб у ердан қочиб келади ва Светлана билан учрашади. Бундан хабар топган Сталин бу гал уни яна 5 йилга меҳнат лагерига жўнатишга буйруқ беради. Светлана йиғлаб қолади...

Тез орада Светлана мактабдош ўртоғи Григорий Морозовга турмушга чиқди. Лекин уларнинг турмуши узоққа бормади. Светлана битта ўғил туққандан кейин эр-хотин ажрашишди. Неваранинг отини Сталин Иосиф деб қўйди. Ҳаммаси бўлиб ҳаётда Светлананинг учта боласи бўлган.

— Мен университетни тамомлашни ният қилган эдим, лекин эрим ўн болали бўлмоқчи экан. Тўртта аборт ва бир болам ўлик туғилгач, қаттиқ касал бўлиб қолдим. Кейин биз ажрашдик.

Иккинчи қонуний эрим МК бош котиби Андрей Ждановнинг ўғли эди. Унга отамнинг талаби билан текканман. Биз бир марта ҳам учрашувга чиқмаганмиз, отамнинг қистови билан бирданига тўй бўлди. Ўша пайтда отам анча қариб қолган эди, шунинг учун унинг истагига қарши бора олмас эдим. Бу турмушимдан иккинчи фарзандим Екатерина туғилаётганда ўлишимга озгина қолди. Бизнинг қонимиз бир-бирига тўғри келмас экан. Шу боис қорнимдаги ҳомилам организмимга салбий таъсир кўрсатаркан. Екатерина туғилгандан кейин биз ажрашдик, бундай бўлишини отам ҳеч хоҳламас, жаҳли чиқар эди. Лекин шу вақтга келиб отам мени тушунди, энди отам нима деса тескарисини қиладиган бўлдим. Укам Василий эса ҳали ҳам отамдан қўрқарди.

Сталин қизининг шахсий ҳаётидан ташқари, унинг касб танлашига ҳам бош-қош эди. Светлана ёзувчи бўлиш ниятида университетнинг филология факультетига ўқишга кирди. Аммо отаси «Сен тарих факультетида ўқишинг керак», деб Москва давлат университети ректорига буйруқ берди.

— Мен ўша вақтда 17 ёшда эдим, маълумки, бу ёшда тарихни ҳеч ким яхши кўрмайди. Институтни битирганлар мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаши керак эди, мен буни ёмон кўрардим. Отамдан жуда хафа бўлиб юрдим, лекин ҳеч нарса қила олмасдим.

Светлана бутун умр интилган эркинликка отаси ўлгандан кейин, 1953 йилда эришди. Бу йил унинг ҳаётида тўсатдан бурилиш ясади. Н.Хрушёв вақтида «илиқ шамол» Светланага ҳам етиб келиб, у ўзини яхши ҳис қила бошлади.

Ўша пайтда Светлана Аллилуева ҳеч кимга керак эмаслигини сезди ва бу ҳолат уни руҳан эзди. У секин-аста бу ватандан совий бошлади. Ўша даврларда С.Аллилуева ҳинд таржимони Ражи Брижа Сингх билан яқин дўст бўлиб қолди ва улар оила қуришди. Лекин кўп ўтмай у вафот этди. Катта қийинчиликлар билан Светлана Ҳиндистонга келиб, эрининг кулини Ганга дарёсига сепди. Бу қийинчиликлар сабабчиси унга мамлакатдан чиқишни ман этган Министлар Советининг раиси А.Косигин эди. У Светлананинг ҳаётига аралашар, ота ролини ўйнамоқчи бўларди. Шу сабабли Светлананинг асаби таранглашиб, охири бир қарорга келди — мамлакатдан чиқиб кетиш. Америка ҳаёти яхши деб ўйлаган Светлана ниятини укаси Василийга айтади, у рози бўлади.

Светлана Иосифовна Швейцарияга, ундан кейин Америкага қочади. Бу жаҳонда катта сенсацияга айланди. Капиталистик матбуот бу воқеани дўмбира қилиб чалди.

Айтиб ўтиш керакки, Светлана Аллилуеванинг икки фарзанди: бир ўғил, бир қизи Россияда қолишади. Бундан хабар топган КГБ одамлари уларга учрашиб, мана онангизнинг асил башараси, сизларни ташлаб кетди, деб кўп айтишган.

— Ватанда қолган ўғлим ўша пайтда 22 ёшда бўлиб, уйланган, қизим эса 17 ёшда, энди университетга кириш ҳаракатида юрган эди. Ўйлашимча, тўғри иш тутган эканман. Чунки Америкада ёш йигит-қизлар оилаларидан барвақт ажраладилар ва ҳаётини янгидан бошлайдилар, турмуш қуришса, рўзғор юкини ўзлари тортадилар.

Швейцария банкларида айтиб бўлмас бойлик

Кўпчиликнинг фикрича, катта лавозимда кўп йил ишлаган одамлар ўлимидан кейин болаларига ҳисобсиз бойлик ташлаб кетишади. Шунга яқин фикр аҳоли орасида узоқ йиллар юрди. Эмишки, Сталин ўлимидан кейин унинг оила аъзолари номида Швейцария банкларида миллион-миллион доллар маблағ сақланади.

— Матбуот орқали бу гаплар жуда кўп ёритиларди, улардаги гапларнинг ҳаммаси ёлғон. Агар отам шундай қилганда эди, биз хабардор бўлар эдик. Афсуски, отам ҳақиқий коммунист бўлган, бунақа иш хаёлига ҳам келмаган. Эсингиздадир, укам урушда немисларга асирга тушади, Совет армияси эса машҳур генералны қуршовига олиб, қамашади. Шунда немис раҳбарияти шахсан Сталинга мурожаат қилиб, икки асирни алмаштиришни илтимос қилиб, рад жавобини олган. Шу ўринда, отамнинг машҳур сўзлари ёдимга тушади. «Мен яхши солдатни ёмон генералга алмашмайман». Мана сизга отамнинг тўғри, принципиал, очиққўнгиллиги.

Ҳозирги кунгача Светлана Иосифовна қийин ҳаёт кечирган, қариялар уйида яшаган.

Америкада икки-уч йил яшагандан сўнг Светлана яна эрга тегди, эри архитектор Питерс, Америка фуқароси эди. Вақт ўтиши билан ундан Олга исмли қиз туғилди.

— Бу эрим билан яхши турмуш қуриб юрувдик. Лекин ҳаётимизга унинг опаси аралашиб турар эди. У матбуот орқали Швейцария банкида менинг номимда «сақланаётган» бойликлардан хабар топган эди.

Ҳозиргача, умримнинг охиригача бу бойликлар ҳақидаги бўҳтон мен билан бирга.

Вақт ўтиши билан ҳеч қандай бойлигим йўқлигига ишонч ҳосил қилган эримнинг опаси мени ёмонлашни бошлади. Тез орада эрим ва менинг орамизда низо пайдо бўлди, жанжаллашдик ва ажрашдик. Қизим билан Лондонга кўчиб келдим.

Лондонда Светлана Иосифовна ва қизи Олгага жуда қийин бўлди. Пул ҳеч нарсага етмас, иш йўқ эди. Ҳатто Светлана Совет Иттифоқида яшаётган пионер болаларга открытка юбориб, ёрдам беришларини илтимос қилди. Лекин бу хатлар назоратда бўлиб, манзилига етиб бормас эди.

Фақат неча йилдан сўнг ўғли Иосиф онасининг телефонини билиб олишга эришади. Зудлик билан унга, Лондонга телефон қилади. Бу ишларни КГБ ходимлари уюштирганини у кейин тушуниб етди. Ўшанда Иосиф онасидан ватанга қайтишини кўп илтимос қилади ва охири кўндиради. Россияга Сталиннинг қизининг келиши катта шов-шувга сабаб бўлди. Ватанга қайтган, қийналган Светланага совет раҳбарлари уй, пенсия ва машина ажратишди, бу катта ҳурмат эди. Лекин ҳаётда эзилган Светлана оғир характерга эга эди.

— Бизнинг ҳар қадамимиз кузатилар эди. Паспортимизни олиб қўйишди ва нима қилиш, қаерга бориш кераклигини ўргатиб туришди. Ўзимизни эркин тута олмасдик. Қўғирчоқдек рози бўлишдан бошқа иложимиз йўқ эди.

Светлана Грузияга келади. Бу ерда ҳам шундай совуқ муомала, назорат, кузатиш. Шунда у яна орқага, эркин ҳаётга қайтишни ният қилади. Катта қийинчиликлар билан олдин Англияга, кейин Америкага келади, бу юртда умрининг охиригача қолади.

Сталиннинг невараларі

Ҳозирги вақтда Сталиннинг иккита невараси, яъни Светлана Аллилуеванинг фарзандлари Россияда яшамоқда. Ўртанча қизи Екатерина Камчаткадаги бир қишлоқда яшайди, оила қурган. Касби вулканолог. У ҳам матбуот ходимлари билан гаплашишни хоҳламайди.

Светлана Аллилуеванинг кичик қизи Олга АҚШнинг кичкина шаҳарчасида яшайди, магазинда сотувчи бўлиб ишлайди. Оила қурган, болалари бор. Икки қиз, бир ўғил бир-бирлари билан гаплашишмайди, ўрталарида борди-келди йўқ.

Хориж матбуоти материаллари асосида И.ТОҲИРОВ тайёрлади

Сарҳисоб

Энг фаол спорт ва маданият намояндалари

«Ўзбекистон» меҳмонхонасида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан спорт ва санъат, маданият соҳасида бир қатор номинациялар бўйича 2008 йилнинг энг яхшилари эълон қилинди.

Тадбир давомида Пекин олимпиадасининг қаҳрамонлари мунносиб тақдирланди. Барча рақибларини енгиб олтин медални қўлга киритган Артур Таймазовга Тошкент шаҳри ҳокимлиги томонидан тўрт хонали квартира калити топширилди. Дзюдо бўйича Пекин олимпиадаси кумуш медал соҳиби Абдулла Тангриевга уч хонали, эркин кураш устаси Сослан Тигиев, трамполин маликаси Екатерина Хилко, моҳир спорт гимнастикачимиз Антон Фокинга эса пойтахтимиз марказидан икки хонали уй совға қилинди. Делегациямиз ҳисобига биринчи медални туҳфа этган Ришод Собировга эса Бухоро вилояти ҳокимлиги вакили янги уй-жой калитини ҳадя этди.

— Анъанавий маданият, санъат ва спорт намояндаларини тақдирлаш маросимини ўтказишдан мақсад юртимиз маданияти, санъати ҳамда спортини республикада ва халқаро миқёсда тарғиб қилаётган заҳматкаш инсонлар ҳамда 29-ёзги олимпиада совриндорларининг меҳнатини рағбатлантиришдан иборат, — деди маросим қатнашчиларини қутлар экан Маданият ва спорт ишлари вазири Рустам Қурбонов.

Тақдимот маросимида, шунингдек, қуйидаги номинациялар ғолиблари ҳам тақдирланди:

«Йилнинг энг фаол театри» — Ўзбекистон миллий академик драма театри.

«Йилнинг ёрқин спорт юлдузи» — Пекин олимпиадаси олтин медали соҳиби Артур Таймазов.

«Йилнинг энг яхши мураббийи» — дзюдо бўйича мураббий Владимир Пятаев.

«Йилнинг маданият ва санъат соҳаларида энг фаол нодавлат ташкилоти» — «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамоат фонди.

«Йилнинг энг иродали спортчиси» — Пекин олимпиадаси кумуш медали соҳиби Абдулла Тангриев.

«Йилнинг энг яхши спорт федерацияси» — Ўзбекистон гимнастика федерацияси.

«Йилнинг энг яхши эстрада қўшиқчиси» — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озодбек Назарбеков.

«Йилнинг энг яхши спорт жамоаси» — футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси.

«Йилнинг энг фаол композитори» — Ўзбекистон санъат арбоби Баҳрулла Лутфуллаев.

«Олимпия ўйинларининг умидли спортчиси» — бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Пекин олимпиадаси иштирокчиси Хуршид Тожибоев.

«Йилнинг энг яхши маданият ва санъат тарғиботчиси» — «Правда востока» газетаси мухбири Ирина Рибар.

«Спорт фидойиси» — Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси вице-президенти Геннадий Арзуманов.

«Йилнинг энг фаол фолклор жамоаси» — Жиззах вилояти «Зомин сайқали» фолклор-этнографик ансамбли.

«Йилнинг энг яхши раққосаси» — «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли раққосаси Дилфуза Қодирова.

«Йилнинг энг фаол драматурги» — Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов.

«Йилнинг энг адолатли ҳаками» — футбол бўйича ФИФА ҳаками Равшан Эрматов.

«Йилнинг энг яхши театр режиссёри» — Алишер Навоий номидаги ДАКТ режиссёри Ҳайдарали Қосимов.

«Болалар санъати жонкуяри» — «Булбулча» ансамбли бадиий раҳбари Шермат Ёрматов.

«Йилнинг энг ёш чемпиони» — карлар ўртасида Швейцарияда бўлиб ўтган Бутунжаҳон олимпиадаси олтин медали соҳиби Сирожиддин Зайниддинов.

«Йилнинг энг яхши республика олий спорт маҳорати мактаби» — яккама-якка кураш турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби.

Биз баъзи ғолибларнинг дил сўзларини ёзиб олдик.

Артур Таймазов:

— Жуда хурсандман. Ўзбекистонда спортга берилаётган эътибор бизга куч бағишлайди. Лондон олимпиадасидами, бошқасидами, аниқ айтолмайман-у, лекин мухлисларимга уч карра олимпиада чемпиони бўлиш учун астойдил ҳаракат қилишга ваъда бераман.

Екатерина Хилко:

— Жуда ҳаяжондаман. Ғалабаларинг учун ҳамюртларингнинг шодланиши спортчининг энг катта бахти.

Антон Фокин:

— Ғалабаларимизга бўлган эътибордан мамнунмиз. Ҳаммаси учун раҳмат. Бу бизни бундан-да катта ғалабалар сари руҳлантиради.

Футбол

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 21 январдан 2 февралга қадар БААда ташкиллаштириладиган йиғин давомида назорат учрашувлари учун рақиблар билан келишувга эришмоқда. ЎФФ терма жамоалар ва маркетинг бошқармаси бошлиғи Алишер Никимбоевнинг айтишича, Миржалол Қосимов шогирдлари 24 январ куни Санкт-Петербургнинг «Зенит» клуби билан ўртоқлик ўйинини ўтказади. 30 январ учун ҳам спарринг-рақиб масаласи ҳал қилинди. Шу куни термамиз Праганинг «Славия» клуби билан куч синашади.

Шунингдек, йигитларимиз 1 феврал куни Озарбойжон миллий терма жамоаси билан ҳам ўртоқлик учрашувини ўтказишга келишиб олган.

КАЙФИЯТ ЯХШИ

Маълумки, 16-26 январ кунлари Москвада МДҲ ва Болтиқбўйи чемпионларининг анъанавий 17-турнири бўлиб ўтади.

«Пахтакор» жамоаси мазкур турнир олдидан Бирлашган араб амирлигида ўқув-йиғин машғулотлари ўтказаётганидан хабарингиз бор.

Виктор Жалилов шогирдлари йиғин пайтида Қатарнинг «Ас-Сайлия» жамоаси (2:0) ҳамда Харковнинг «Металлист» клубини (1:0) мағлуб этди.

Эслатиш жоизки, пахтакорчилар «А» гуруҳида Россия чемпиони «Рубин» (17 январ), Арманистон чемпионати ғолиби «Арарат» (18 январ) ва қозоқ жамоаси «Актобе» билан (20 январ) кейинги босқич йўлланмаси учун баҳс олиб боради.

БУГУН...

Ўзбекистон профессионал футбол лигасининг маълум қилишича, бугун ЎФФ мажлислар залида 2009 йилги мамлакат чемпионати ва кубоги баҳсларига қуръа ташланади. Эслатиб ўтамиз, бу йил биринчи лигадан элитага йўлланма олган клубларнинг фақатгина биттаси — «Хоразм» олий лигада иштирок этади. «Дўстлик-2008» ЎФФ ва ПФЛга мурожаат этиб, клубнинг молиявий аҳволи олий лигада иштирок этишга имкон бермаслигини маълум қилгандан сўнг унинг ўрнига ўтган мавсумда 15-ўринни банд этган «Бухоро» олий лигада қоладиган бўлди.

СОВРИН ЯҚИН

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Қатарда ўтаётган «Дўстлик» кубоги халқаро турнирида ғолиб ёки совриндор бўлишга жуда яқин турибди. Футболчиларимиз мусобақанинг биринчи турида беларуслик тенгқурларини 1:0, иккинчи турда Малайзия термасини 4:2 ҳисобида мағлуб этди.

Шунингдек, Беларусни 3:2 ҳисобида ютган майдон эгалари ҳам ярим финал йўлланмасини ҳал қилди.

МАРВАРИД ЎЙИН

Англия чемпионатида футбол мухлислари орзиқиб кутган учрашув бўлиб ўтди. «Олд Траффорд» стадионида «Манчестер Юнайтед» Лондоннинг «Челси» жамоасини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

РОНАЛДУ — ҒОЛИБ

Португалия ва «Манчестер Юнайтед» клуби ярим ҳимоячиси Криштиану Роналду ФИФА таснифига кўра, 2008 йилнинг энг яхши футболчиси деб топилди.



Ундан кейинги ўринларни ўтган йилги ғолиб — бразилиялик Кака («Милан»), аргентиналик Лионел Месси («Барселона»), испаниялик Фернандо Торрес («Ливерпул») ва Хави («Барселона») лар эгаллашди.

Шунингдек, энг яхши аёл футболчиси ҳам маълум бўлди. Ушбу номга кетма-кет учинчи марта бразилиялик Марта лойиқ деб топилди.

БЕКХЭМ ЯНГИ ФОРМАДА

Италиянинг «Милан» клуби таркибига қўшилган моҳир ярим ҳимоячи Девид Бекхэм Римнинг «Рома» клубига қарши учрашувда дебютини ўтказди. 2:2 ҳисобида тугаган ўйинда у спорт формасини йўқотмаганини кўрсатиб, 89-дақиқагача ўйнади.

Каратэ

ЯНГИ МАВСУМ ОЧИЛДИ

Республика олимпия захиралари коллежида каратэ бўйича «Ёш куч» клуби очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. У анъанавий турнир бўлиб, ҳар йили янги йил байрамидан сўнг каратэ мавсумини очиб беради. Бу йил тўққизинчи бор ташкил этилган мусобақада вилоятлардан ва Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистондан 630 нафар спортчи татамига чиқди.

Умумжамоа ҳисобида «Ёш куч» каратэ клуби биринчи, Самарқанд вилояти термаси иккинчи, Наманган жамоаси учинчи поғонани эгаллади.

«Ёш куч» клуби очиқ биринчилиги мураббий ва спортчилар учун феврал ойида ўтадиган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги мамлакат чемпионати олдидан муҳим синов вазифасини бажарди.

Саҳифани Акмал АБДИЕВ тайёрлади

Девалвациядан фойдаланиб қолишди

2009 йил 1 январ куни Беларус миллий банки миллий валютани девалвация қилди: беларус рубли АҚШ долларига нисбатан 20 фоиз арзонлаштирилди. Шундан сўнг мамлакатда хорижий валютага, маиший техника ва озиқ-овқат маҳсулотларига талаб кескин ошиб кетди.

«Интерфакс-Запад»нинг Иқтисодиёт вазирлиги маълумотига асосланиб хабар беришича, мамлакатда икки ҳафта ичида гречка ёрмаси 27, гуруч 20, нўхат 34 фоиз қимматлашган. Чойнинг баҳоси 27-29, ўсимлик мойиники 22, олманики 46 фоиз ошган.

Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Владимир Адашкевичнинг айтишича, бир қатор хўжалик юритувчи субъектлар девалвациядан фойдаланиб нарх-навони асоссиз равишда ошириб юборишган. Энди ҳукумат озиқ-овқатлар қимматлашган дўконларда текшириш ўтказади. Инспекторлар нарх оширилишини асоссиз деб топса, уларнинг лицензиясини олиб қўйиш ва савдо қилишини тақиқлаш масаласи кўрилади.

Даромад манбаи — «қора олтин»

AFP агентлигининг хабарига қараганда, 2008 йили Ироқ нефт сотишдан 61 млрд. доллардан кўпроқ даромад олган. Бу ҳақда Нефт вазирлиги маълум қилган. Таққослаш учун факт: 2007 йили «қора олтин» сотишдан олинган даромад 39 млрд. долларга яқин бўлган.

Ўтган йили ушбу хомашёнинг нархи рекорд даражага етиб, бир баррели учун 147 доллар тўланган эди. Айни пайтда бир баррел нефтнинг баҳоси 47-48 доллар атрофида.

Ироқ бюджетига тушумларнинг 94 фоизи нефт сотишдан келади. Мамлакат нефт захираларининг катталиги жиҳатидан дунёда Саудия Арабистони ва Эрондан кейинги ўринда туради.

Эронда зилзила бўлди

Кеча эрталаб Эроннинг жануби-шарқидаги Керман вилоятида 5,3 балли зилзила содир бўлди. Давлат радиоси тарқатган маълумотда қурбонлар ва вайронагарчилик ҳақида ҳозирча хабар йўқлиги айтилади.

2005 йили бу ерда 6,4 балл куч билан ер силкиниб, 400 дан зиёд киши ҳалок бўлган эди.

Колумбия округида фавқулодда вазият

АҚШ президенти Жорж Буш сешанба куни мамлакат пойтахти жойлашган Колумбия округида фавқулодда ҳолат эълон қилди. Бу Америка пойтахтини янги президент Барак Обаманинг инаугурация маросимига тайёрлашда федерал бюджетдан самарали фойдаланиш имконини беради. Бу ҳақда «Associated Press» агентлиги хабар тарқатди.

Инаугурация маросими 20 январ куни Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтади, у билан боғлиқ маросимлар бошқа кунларда ҳам ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу маросим туфайли пойтахтга миллионлаб мусофир келиши кутилаяпти, уларнинг соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш учун эса округга аввалроқ федерал бюджетдан ажратилган 15 млн. доллар ҳам етмайди. Шу боис Буш фавқулодда ҳолат эълон қилиш билан бирга маросимни ўтказиш учун яна қўшимча маблағ ажратиш ҳақида фармойиш берди.

Бир ўқ билан икки қуённи уриш

Португалия пойтахти ҳокимлиги шаҳар бюджетини Лиссабондаги тарихий қасрларни сотишдан тушадиган маблағ билан тўлдиришга қарор қилди. Уларнинг айримлари ҳозирги вақтда таъмирталаб аҳволда. Таъмир учун эса ғазнада пул йўқ.

Сотувга 18 — 19-асрларда қурилган, нархи 400 мингдан 4 млн. еврогача бўлган олтита бино қўйилади. Объектларнинг энг қиммати 4 млн. еврога баҳоланган «Palacio Pancas Palha» қасридир.

Ҳокимлик вакилларининг айтишича, ҳозирданоқ бир нечта меҳмонхона тармоқлари уларни харид қилиш истагини билдирган.

Ҳокимликнинг режасига кўра биноларни қайта жиҳозланиб, 15-40 номерли олий тоифали меҳмонхоналарга айлантирилиши керак. Ташкилотчилар бу мамлакатда туризмнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади деб ҳисоблашаяпти.



Иштиёқ ва ирода

Буюкбританиялик 45 ёшли Грэм Парк 26 йиллик уринишдан сўнг ниҳоят Рубик кубигини йиғишга муваффақ бўлди. Кубикни у 1983 йили сотиб олган эди. Ушбу жумбоқни ҳал қилишга 27400 соат вақтини сарф қилди. Тушига ҳам кубик кириб чиқарди. Шу «касали» туфайли бир неча бор оиласи бузилиб кетишига сал қолди. Шу ўринда айтиш керакки, кубикни йиғиш бўйича рекорд Голландия фуқаросига тегишли. У бунинг учун атиги етти секунд сарфлаган. Дўстлари унга ёрдамини таклиф қилишган. Бундан ташқари, у муаммони ҳал қилиш йўлини интернетдан ҳам топиш мумкинлигини биларди. Аммо жумбоқни ўзи ечишни хоҳларди. Рубик кубигини венгер ҳайкалтароши Эрно Рубик 1974 йили ихтиро қилган. Ўшандан буён жаҳонда унинг 300 млн. нусхаси сотилган. Кубикда 43 квантиллионта комбинацияни амалга ошириш мумкин.

Интернет хабарлари асосида Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади



Мақсадинг не, баён этиб кет...

«The Daily Telegraph» (Буюкбритания) газетасининг сешанба кунги сонида ёзилишича, Мехико халқаро аэропортида уч ойдан зиёд яшаган японияли Хироси Нохара ниҳоят уйига жўнаб кетди.

Нохара Мексикага 2008 йил 2 сентябр куни келган эди. Шундан бери у терминал биносида садақа ҳисобига кун кўрган. 2009 йил март ойида муддати тугайдиган визаси, уйга қайтиш учун билети бўлишига қарамай у нега аэропортда яшаётганини тушунтириб беролмас эди.

Шунга қарамай у терминални тарк этишни хоҳламаган, маҳаллий ҳокимият вакиллари эса уни ҳайдаб чиқаролмаганлар.

Бу вақт мобайнида Нохара машҳур бўлишга ҳам улгурди: сайёҳлар у билан расмга тушар, журналистлар эса ундан интервю олишга ҳаракат қилишарди.



Бу қандай кўргилик «ичибман»,
Мастликдан бочкани қучибман.
Фарқламай «Қибрай»ни, «Сарбаст»дан
Шундай бўй бастимдан кечибман.

* * *

Энди ҳолим йўқдир туришга,
Боришим керакдир ишимга,
Оғу солдим лек турмушимга,
Минг пушаймонман қилмишимга.

Шуҳрат ҲАЛИЛОВ
Навоий шаҳри

Бочкада не экан деб,
Роса ўйга толибман.
Уйимга етолмасдан,
Охир ухлаб қолибман.

* * *

Вино учун бочкани,
Зўрга топдим, кўнгил тўқ.
Минг афсуски, ишкомда
Винога боп узум йўқ.

Асадулло МИРЗААКБАРОВ
«Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашмаси
касаба уюшмалари
қўмитасининг раиси

Ғамламоқ эди мақсад
Хумлаб асаллар қишга.
Илк бор уринишдаёқ,
Дуч келдим минглаб нишга.

* * *

Тақлид қилиб айиққа
Бўшатдим бир хум асал.
Энди-чи ётиб қолдим,
Номимиз бўлди касал.

* * *

Тиллоларимни бу кеч,
Бағримдан ҳеч қўймадим.
«Олтин девор» филмидек,
Ёстиққа бекитмадим.

* * *

Дўстларим билан бирга,
Пивога тўйиб олдим.
Эртаси бош оғриққа,
Бир бочка асраб қолдим.

Азизбек НОРОВ,
Қарши шаҳри

Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?



Анор майига мастона

Фарғонанинг Қувасида, қўл билан ушлаб олса бўладигандек яқин туюладиган тоғлар манзараси-ю шарқираб оқадиган сойлар орасидаги Сойкелди қишлоғида бир музей бор. Қишлоқ, туманнинг узоқ тарихи ҳақида сўзлайдиган экспонатлар шу ернинг фидойи инсонлари томонидан кўз қорачиғидек авайлаб келинади. Музейнинг Қува анорлари ҳақида асотирлар сақланадиган бўлимида «Ҳолниса аянинг ҳикояси» диққатни тортади.

«Урушнинг сўнгги йили, қаҳратондан омон чиққан жонлар икки энлик хушхабарга ташна. Ота дийдори, ёр ҳажри кўксимни кемирган кечаларда онам анор сувида тайёрланган бўёқ билан настаълиқ хатида байтлар битарди.

«Агар тийра бало келса,
очиб кўксин сийпар айлаб,
Турурлар ўтруга ҳар дам
на келса, марҳабо дерлар».
«Қатра-қатра рум (анор)
суви жамдир араб афлосида
Қатра-қатра кўзим ёши
жамдир жунун саҳросида».

Волидам байт битилган бир парча қоғозни пиёладаги сувга чаяди. Сув қипқизил анор сувига айланади. Уни кўзларини очолмай алаҳсираб ётган укамга ичирарди. Шу зайил укам шифо топган».

Анорнинг юзга яқин навини етиштирадиган қуваликлар оғзида бу меванинг мўъжизакор хислатлари ҳақида кўплаб афсона-ю асотирлар юради. Қувалик табиблар ҳозирги кунда ҳам беморларни анор суви, мевасининг пўсти, бутаси, шохларининг қайнатилган суви билан даволаб келишади. Иккинчи жаҳон уруш йиллари Қувадан фронтга юборилган юзлаб тонна анорларнинг саралари юртимиз ўғлонларининг қонига-қон, жонига-жон қўшган, ватан тупроғи иси-ю қувватини олис фронтга олиб борган бўлса, уларни қаҳрамонликларга ундаган бўлса ажаб эмас. Ўшанда ҳар бири косадай келадиган анорлар пўстига аёллар ёрлари, оталари, жигарбандларининг исм-фамилияларини, она тупроқни ҳимоя қилаётган жангчиларга хатларини ёзиб юборишган экан.

Қува анори ҳақида «Бобурнома»да ҳам ёзилган. Увайсий анор ҳақида чистонлар битади. Ибн Сино «Тиб қонунлари»да уни румий деб атайди. «Анорнинг энг фойдали ва афзали унинг каймусидир», — деб ёзганида у Қуванинг кайм анорини назарда тутган бўлса ажаб эмас.

— Россиянинг ҳамма бозорларида анорнинг қайми, туятиши бор, — дейди Қуванинг Қўрғон маҳалласида яшовчи 85 ёшни қоралаган Ўроқбой ота Тешабоев. — Сотувчидан сўрасанг Фарғонанинг Қувасидан келган дейди. Тадбиркорларимиз меҳнати туфайли Европа ва океанорти мамлакатларига ҳам етиб борган бизнинг анорлар. Хорижда таълим оладиган бир неча талабамиз бор қишлоғимизда. Ўқишларига қайтаётиб дуо олгани келишади. Ўзимнинг боғимдан шира кўплигидан ёрилай деб қолган мевали шохдан синдириб бераман. Ётоғингга осиб қўй, деб насиҳат қиламан. Қуванинг ҳиди келиб турсин. Ўзим ҳали бирор марта дўхтирга борганим йўқ. Бемор бўлсам анорзорга чиқаман, тўйиб кайми ейман. Худога шукур, ҳали бақувватман. Олдинги табиблар ҳатто руҳий касалликларни ҳам анор гаврони билан савалаб тузатиб юборишган экан.

Мезон кирган маҳалда тунлар беҳад гўзал бўлади. «Ихтисослашган Қува анори» агрофирмаси раиси Мастура Сайфиддиновадек ерни ардоқлайдиган аёллар бўлмаганда тунлар бунчалик гўзал бўлмас эди. Анорзорлар орасида бўй таратган райҳонлар, кузнинг сафсар рангли гуллари, барқ уриб ётган ўсмалар... Боғ ялпизларининг иси боғбон аёлнинг шуурига алланечук куч беради. Туннинг иккинчи қисмида — азонга яқин анорларнинг торс этиб ёрилишида, маъсум ғунчаларнинг табассумида ажойиб уйғунлик бор. Табиатнинг бу дилдорлиги Мастура опанинг оромини ўғирлайди.

Ҳозир ўзининг чеки кўринмайдиган анорзорлари-ю Россия ва Шарқий Европа мамлакатлари билан йилига минглаб тонна анор етказиб бериш шартномаларига эга тадбиркор аёлни том маънода анорзорларнинг фарзанди деса муболаға бўлмайди. У анорзорларда улғайди. Онаси Саодат ая шоиртабиат, дилкаш аёл эди. Хиргойи қилиб юриб анор узар, гўдаги йиғласа отаси Сайфиддин ака кулиб «бунингнинг йиғиси хиргойингга ўхшайди-я» дерди. Отанинг бу муболағаси башоратга айланиб, қизалоқ вақти келиб «Анор» совхозида «Анор» ансамбли дунёга келишига бош бўлди. Боғдорчилик бўйича «Қирқ қизлар» бригадаси сардори сифатида элга танилиб кетди. Боғдорчиликнинг пири бўлиб кетган совхоз директори Муҳаммаджон Умириддинов, бош агроном Алижон Толиповларнинг тарбиясини олди. Қуваликлар анорчиликнинг ҳадисини олган бу аёлни анор донаси миқдорини, ранги-рўйини туслаб беради, деб таърифлашади. Дарҳақиқат, мева ушлаган боғбон аёл унинг донаси сони, сифатини ҳис этади. Анор ниҳолини кўкартириш усуллари, гулга киргандаги нозик жараёнларни, ўзининг таъбири билан айтганда, меванинг соғ-носоғини бир қарашда билади.

— Миришкор боғбон анорнинг ҳар бир тупидан 50 килодан ҳосил олади, — дейди Мастура опа. — Бундан 30 йиллар илгари Жанубий Фарғона каналининг юқорисидаги қир-адирларда гуркираб ўсган анорзорларга меҳримни қўйгандим. Анорни қай пайтда узиш, қай тарзда сақлаш, ундан қандай шарбат олиш усулларини қунт билан ўрганиб бордим. Қизил анор, аччиқдона, оқдона, вандерфул навларига меҳрим тушди. Ҳар гектар боғдан 15-20 тонна мева оладиган бўлдик. Мустақиллигимиз шарофати билан тадбиркорларга, ўз меҳнати билан яратаётган нарсаларига ўзи эгалик қилиш истаги жўшган меҳнаткашларга кенг имкониятлар очилди. Илгариги боғбоннинг косаси оқармайдиган, йиллар бўйи парвариш қилган дарахтлари мевасига раиснинг рухсатисиз қўл узата олмайдиган даврлар ортда қолди. Қишлоғимиздагилар фақатгина ўз томорқаларида ўнлаб тонна анор етиштиришаяпти. Маҳсулотлар агрофирмалар орқали Россия ва Европа мамлакатларига етказиб берилмоқда. Тушган даромаддан туманда янгидан-янги йўллар, ҳашаматли бинолар қад ростлаяпти. Аҳолининг турмуш тарзи кескин ўсган. Кўчага чиқсангиз кенгайтириб янгидан қурилган йўлга ҳам машиналар сиғмайди. Ёшларимиз агрономликка, қишлоқда зарур бўладиган бошқа касбларга олдин коллежларда, сўнг хорижий мамлакатларда таҳсил олишаяпти. Бизнинг қишлоқда ҳам шундай ёшлар бор. Уларга фермер хўжаликларимиз, агрофирмаларимиз, умуман, туманнинг ҳар бир кишиси ўзича ёрдам берай дейди.

— Ўтган йили анор мевасининг чўғи кам бўлди, — дейди боғдорчиликда кўп йиллик тажрибага эга фермер Бахтиёр Тоштемиров. — Энг зўр боғбонлар ҳам қишнинг бу даражада совуқ келишини кутмаган эди. Парвариш пайти анорзорларни ўн марта суғориш керак. Саратонда сувга қонолмаган буталар совуқдан нобуд бўлишди. Илгари қиш бошланишида буталар кўмилар, бунинг учун ҳашар уюштириларди. Минтақамизда ҳарорат анча кўтарилиб қолгани учун бу ишлар қилинмай қўйган. Йил охирларида яна шу тажрибани қўлладик. Бу йил анорларимиз яхшилаб кўмилган, керакли парваришлар қилинган. Насиб қилса, ҳосил мўл бўлади.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳурматли Эркин НУРИТДИНОВ!

Азиз ва муқаддас даргоҳ бўлиб қолган Чинобод нефтгаз корхонасида кечган қарийб 30 йиллик ҳалол меҳнатингиз эвазига чинакам иззат-эътибор топдингиз. Бугунги табаррук таваллуд айёмингизда яқинларингиз Сизга дунёдаги жамики яхшиликларни тилайди. Мустаҳкам соғлиқ, узоқ-умр ҳақиқий оилавий бахт хонадонингизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Табаррук 60 баҳорингиз муборак бўлсин!

Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев

Бизга қўнғироқ қилинг: Котибият: 256-52-78; Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.

ISSN 2010-5002

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи - А.Абдиев
Мусаҳҳиҳ - Ш.Абдусамадов

Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдужалилов

Буюртма Г—15 Тиражи: 19869

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.10

Сотувда эркин нархда 1 2 3 4 6 7 8